

Шароф Бомбеков

ЦАР ХИДАЯК

кинороман



Биринчи жилд

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2017

УЎК 821.512.133-31
КБК 84(5Ў)6
Б 89

ISBN 978-9943-28-936-9

© Шароф Бошбеков, 2017
© «O'zbekiston» НМИУ, 2017



БИРИНЧИ ФАСЛ

БИРИНЧИ ҚИСМ

Асар қўшиқ билан бошланади.

Қўшиқ:

Чархпалагим, чархпалак,
Айланасан мулойим.
Тўхтатолмай мен ҳалак
Юргизганми худойим?..

Чарх, чарх, чархпалак,
Тўхтатолмай мен ҳалак.

Чўмичларинг тўлдириб
Сув қуясан бошимдан.
Сув эмас у, аслида
Яралган кўз ёшимдан!..

Чарх, чарх, чархпалак,
Мақсадинг не, эй фалак?..

Ғарқ бўларман бир куни,
Кўз ёшида чўмилиб.
Майли, айлан, чархпалак,
Паймонамни тўлдириб!..

Чарх, чарх, чархпалак,
Ажалмисан, ё малак?..

Вокзал.

Қош қорайган пайт.



Поезддан Эгамкул тушди. Унинг уст-боши бир ахволда, соқоли ўсиб кетган.

Кутиш залидан ўтиб ташқарига чиқувди ҳамки, бир лўли хотин ёпишиб олди.

– Ако мулло, келинг, фолингизни кўрай!.. Бахтингиздан очайми, тахтингиздан очайми? Қаёндан келопсиз, қаён кетопсиз – ўн сўмгинага айтаман, қурбонингиз бўлай!..

– Э, бор, бор, йўлингдан қолма! – деб жеркиб берди Эгамкул ва нари кетди.

Лўли аёл негадир хавотир билан у ёқ-бу ёққа қараб олди-да, яна эргашди.

– Сез узоқ-узоқдан келопсиз, кўп йўл юрдингиз, жуда чарчагансиз...

– Шуни билсанг бўпти-да, мени тинч қўй.

– Аммо борар жойингиз қоронге... туман босган, кўрин-мопти... Пул чикоренг, пул чикоренг, кўринай-кўринай деёпте! Қўлингизне беринг – йўленгизне айтоман... – Шундай деб у Эгамкулнинг қўлини олди.

– Йўлимни сениз ҳам жа яхши топиб оламан! – деб Эгамкул аёлнинг кафтлари орасидан қўлини суғуриб олди ва йўлида давом этди.

– Ако мулло, келинг, битта дуо келай, хай? – у Эгамкулнинг билагидан ушлаб тўхтатди. – Қўлингизне оченг, ман дуо келсам ижобат бўладе. Илоё, ризкенгиз ошдан бўлсен, бошенгиз тошдан бўлсен, уйингизга қош бўленг, тўй-хашамга бош бўленг, тишингиз тош кўрмасен, кўзингиз ёш кўрмасен...

Эгамкул зерикиб кетди. Фотиҳага очган қўлини йиғиштириб, кетишга чоғланди. Аёл чулдирашдан тўхтамасди:

– Бевакт тўзишдан, қаримай ўлишдан, чаённе захридан, Оллоҳнинг қахредан, ўғрине кўзедан, ямонне сўзедан, ўт балоседан, сув балоседан сақлаб, Яратган эгам ризкенгизне сочек, йўлингизне очек қилган бўлсин, омин, Оллоҳе акбар!

Эгамкул кўримсизгина ошхонага кириб келди. Одам сийрак. Бир коса лағмон олиб, ҳали йиғиштирилмаган столга қўйди. Бориб нон билан компот олиб қайтаётган эди, столга қараб кўзлари дум-думалоқ бўлиб кетди...

Халиги лўли аёл бамайлихотир лағмонни тушираётган эди.

– Ўзэнгиз ҳам оленг, ё иштахангиз йўкме? – деди лўли дунжи тўла овқат билан.



– Иштаҳа бор-у, пул йўқ... – деди Эгамқул стулга оҳиста чўқар экан.

Аёл хижолат бўлгандай косани ўртароққа суриб қўйди.

– Бўлмаса, яна бетта қошеқ опкеленг...

Аёлнинг бояги тажовузкорлиги анча сусайган, ўрнини қандайдир беозор айёрликка ўхшаш нимадир эгаллаган эди.

Улар бир-бирларига бирпас синовчан тикилиб туришди.

– Олавер энди, ош бўлсин, – деб тўнғиллаганича Эгамқул косани аёлнинг олдига суриб қўйди.

У нон ва компот билан кифояланиб қўя қолди.

* * *

Эгамқул троллейбусдан тушиб, кимсасиз кўчага бурилди. Ўша троллейбусдан лўли аёл ҳам тушди. Атрофга ҳадик билан аланглаб олиб, Эгамқулнинг кетидан эргашди.

Эгамқул тор, қоронғи кўчага бурилди.

Аёл ҳам ўша томонга юрди.

– Сен қаёққа кетяпсан? – сўради Эгамқул тўхтаб.

– Шу ёнга... – деди аёл ҳам тўхтаб.

– Шу ёнга бўлса, шу ёнга-да... – деб тўнғиллаганича Эгамқул тагин йўлида давом этди.

Аёл ҳам унга эргашди.

Эгамқул бир дарвозанинг олдида тўхтади.

Сал берида аёл ҳам тўхтади.

– Хў, сен хотиннинг эсинг жойидами ўзи? – деди Эгамқул ух тортгандай. – Бор, йўлингдан қолма!

– Қаёнга?... – деди аёл қўрқа-писа.

– Мен қаёқдан билай – қаёнга! – деб Эгамқул ўйлай бошлади, «қаёнга»лигини топди, шекилли, хужумга ўтди: – Вокзалдамидинг? Бор, ўша вокзалинга!

– Вокзалнинг қаёнгалигине белмайман-да... – деди аёл гуноҳқорона.

– Менинг тақдиримни айтиб берадиган одам, вокзалнинг қаердалигини билмайдами! – деб Эгамқул таъна қилди.

– Тошканга биринче келишем...

– Оббо, битта сен етишмай турувдинг ўзи!.. – дея Эгамқул эшик қўнғироғини босди.

Аёл буни рухсат аломати деб тушунди, шекилли, анча дадиллашиб яқинроқ келди.



– Иби, қулф-ку? – деди у ажабланиб.

Дарвозанинг эшигида каттакон қулф осифлиқ турибди.

Эгамқул қўшни дарвозани тақиллатди.

– Истат хола! Хў, хола!..

Бир оздан кейин ичкаридан қадам товуши эшитилиб, «ҳозир» деган овоз келди. Эшик очилиб, Истат хола чиқди.

– Вой, бўйгинангга қоқиндик, Эгамқул, келдингми, болагинам!.. – деб кампир Эгамқулнинг юз-кўзидан ўпа кетди. – Дилигромингни олдик, кун бўйи кутдик-кутдик, энди эртага келсанг керак, деб ҳозиргина ётувдик... Бу ким? Меҳмонми?

Лўли аёл тугунчасини бағрига босганича қараб турибди.

– Ха, меҳмон десаям бўлаверади... – Эгамқул мужмалроқ жавоб қилди.

– Мен ҳозир... – деб кампир ичкарига кириб кетди ва тезда калит билан қайтиб чиқди.

Эгамқулнинг ҳовлиси. Улар айвондан ўтиб ичкарига киришди. Хонада жиҳозлар деярли йўқ, лекин ҳамма ёқ саранжом-саришта.

– Келиб қоласан деб, Зулхумор қизим йиғиштириб қўювди... – деб кампир чироқни ёқди. – Эсон-омон қутулиб келибсан, шунисига шукур, болам. Ҳали ҳаммаси унут бўлиб, эсингдан ҳам чиқиб кетади...

Хонтахта атрофига ташланган кўрпачаларга ўтиришди. Лўли аёл ҳам қимтинибгина бир чеккага чўқди, лекин ҳамон тугунчасини қўлидан қўймасди.

– Қани, омин, кўрган балоларинг орқангда қолган бўлсин, қасд қилганлар паст бўлиб, муродига етмасин. Бу ёғига ишларинг юришиб, бола-чақанга бош бўлгин, омин, Оллоху акбар! – деб кампир токчадан мева-чевали патнис, нон олиб хонтахтага қўйди. – Мана, болам, омонатингни ўзинга бус-бутун топширяпман. Қарасам, иккита ҳовлини бир ўзим эплаймайман, илгариги куч-қувват қайда дейсан. Тўртта устудент қизлардан қўйдим. Нима бўлгандаям, одам яшайдиган уй билан одам яшамайдиган уйнинг фарқи бор-да, болам. Қиз бола нарсалар эмасми, ҳамма ёқни саранжом-саришта тутишди, барака топишсин. Ўқишлари тугаб, бултур ёзда кетишди. Энди битта ўзим хайҳотдай ҳовлини қандай эплайман деб турувдим, Зулхумор қизим келди-ю, жоним кириб қолди. Қишлоқда ўсганмасми – эпчилгина, иккита ҳовлиниям гулдай қилиб қўйди...



Кампир жавон олдига келиб, тортмадан қоғозга ўроғлик бир даста пул олди. Бир гуноҳ иш қилиб қўйгандай хижолатомуз жилмайди.

– Мана, болам... Мановни опқўйгин, бирор-бир камкўстингга ишлатарсан. Бу она сутидай ҳалол...

– Нима у? – ҳайрон бўлди Эгамқул.

– Айтдим-ку, қизларни ижарага қўйдим деб. Чирокқа, телефонга тўлайсизлар, майли, ортгирсаларинг бир-икки сўм берарсизлар, девдим. Шу турувди...

– Истат хола, рўзфорингизга ишлатаверсангиз бўларди.

– Менга энди пулнинг нима кераги бор. Ўлимлигимни қилиб қўйганман. Бир бошим – ярим косагина овқатга қорним тўяди. Кўп бўлмаса ҳам пенсиям бор. Зулхумор қизим бор, Ҳасан-Ҳусан акалари тез-тез келиб хабар олиб туришади. Сен асло хижолат бўлма, болагинам.

Эгамқул индамай қўя қолди.

Шу пайт Зулхумор патнисда овқат олиб келди.

– Ассалому алайкум, яхши келдингизми? – дея косадаги овқатни Эгамқулга узатди. Кейинги косани Марямнинг олдига қўя туриб, мулоийм жилмайди: – Сиз яхшимисиз, опа, чарчамай келиб қолдингизми?

– Раҳмат... – деди Марям қизнинг очиққўнгиллигидан ийиб. – Ўзингез ҳам ўтиринг, ҳай.

– Раҳмат, мен ҳозир чой олиб келаман... – деб Зулхумор чиқиб кетди.

– Эгамқул аканг кеп қолади деб, мастава қилдирувдим, – яна гап бошлади кампир. – Ўзимиз озгина татинган бўлдик... Ол, қизим, уялма, олиб ўтир... Эгамқул аччиққина маставани яхши кўради...

– Йўк, раҳмат, ман ҳозиргена лағмон еган... – деб лўли аёл Эгамқулга кўз қирини ташлаб қўйди.

– Биров сенга оч қолгансан деяптими, – деди Истат хола кулиб. – Ол, ол тортинма, қизим...

Аёл бу меҳридарё кампирга тикилиб қолди.

– Болалар қаерда? – сўради Эгамқул ниҳоят энг асосий гапга ўтиб.

Кампир чуқур тин олди.

– Бир-иккитасини қариндошларинг олиб кетди, тагин нечтасинидир Мастуранинг уруғлари опкетишди. Бир нима деёлмадим, барибир, ўзим эплаёлмасам...



– Мастура-чи?.. – Эгамқул бу саволни қийналиб айтди. Истат хола бирданига жавоб бермади.

Эгамқулнинг чакка томирлари бўртиб чиқди.

Лўли аёл ўртадаги асабий тарангликни ҳис қилиб турар, лекин гап нимадалигини тушунмасди.

– Хотининг кўп ичадиган бўп қолди... – деди кампир анчадан кейин. – Гап-сўз, панд-насихатлар таъсир қилмай қолди, болам!.. Болаларинг жуда эзилди. Айниқса, эси кириб қолганлари номусдан чўкиб қолишди... Мастура шўрликка бир раҳмим келади, бир ғазабим. Фатхулла гўрсўхтанинг чангалидан чиқолмади бечора. Аввал-аввал ўзи билан ўзи гаплашадиган одат чиқарди. Мен унчалик аҳамият бермабман. Кейин билсам, дарди ичида экан... Бир куни кўрпа қавиб ўтирсам, Қобилинг югуриб чиқиб қолди. «Ойим уйга ўт қўймоқчилар», дейди. Эсим оғиб қолай деди!.. Югургилаб чиқсам, Мастура уйга, девордаги гиламларга, айвонга керосин сепиб, ошхонада гугурт қидириб юрибди! Дод солдим, кучим етмади-да... Қўшнилардан ўргилай, бирпасда чиқишиб, оёқ-қўлини боғлашди. Аввал мелиса келди, кейин дўхтирлар келиб опкетишди. Болаларнинг аҳволини бир кўрсанг эди!..

Ўртага оғир сукут чўкди.

Лўли аёл гоҳ кампирга, гоҳ Эгамқулга жавдирар, қўлидаги тугунчани тинмай вижимларди.

– Шахноз қалай? – сўради Эгамқул жимликни бузиб.

– Вой, суюнчи бер, қизинг ўғилли бўлди, болам! – деди Истат хола қувончи ичига сиғмай. – Бирам ширин, бирам ширин, умри билан берган бўлсин илойим! Қуйиб қўйгандай ўзинг! Бир уриб, Эгамқулни кичкина қилиб қўйгандай! Худо хоҳласа, бувасига ўхшаган мард, чапани, танги йигит бўлади дедим. – Истат хола гап мавзуси яхши томонга ўзгарганига хурсанд эди. – Ана шунақа... Неваралиям бўп қолдинг... Ўзинг кечагина куёв тўн кийиб юрувдинг. Э-э, умр ўтиб кетаверар экан...

Зулхумор чой олиб кирди.

– Барака топ, қизим, ўзинг ҳам ўтир, – деди кампир.

– Раҳмат. Озгина ишим бор эди...

Қиз чиқиб кетди.

– Манга беринг, – деб лўли хотин чойнакни кампирдан олиб, қайтаришга тутинди.



– Фатхулла қалай? – сўради Эгамқул кўзларини бир нуқтага қадаб.

– Э, ўлибгина кетсин, ўша тўнғиз қўпгур! – деди кампир энсаси қотиб. – Юрибди, кўзгинанг оқиб тушгур!.. Ёмонга ўлим йўқ экан ўзи. Илгариги мансаби йўғ-у, лекин ҳалиям отдан тушсаям эгардан тушгани йўқ. Шахнозга ачинаман, келиб-келиб ўша овзингдан қонинг келгурга келин бўлди. Ёш нарса – нимаям қиларди, бошида на отаси бор, на онаси. Фатхулла меш унияч чангалига олди – ўғлига олиб берди. Эри ёмон боламас-у, лекин отасини худо урган-да. Келишингни хабар қилганман, эрталаб учиб келади шўрликкина.

Лўли аёл қимтинибгина овқатдан татиниб ўтирибди.

Эгамқул овқатга қўл теккизгани ҳам йўқ, хаёли аллақаяқларда кезиб юрибди.

Кампир Эгамқулни бор янгиликлардан хабардор қилиб, худди оғир бир ишни уддалагандай енгил тин олди.

– Майли, сен ҳам йўл юриб чарчагансан, дамингни ол, қолган гапларни эрталаб гаплашамиз, нонуштага бизникига чиқинглар, хўпми? – деди кампир ва яна бир нозик масала ҳал бўлмай қолгандай тараддудланди: – Меҳмонинг бизникида ёта қолсин...

– Майли... – деди Эгамқул аёлга кўз ташлаб олиб.

– Майли... – деб аёл ҳам осонгина рози бўла қолди.

– Омин, Яратган эгам барча бандаи мўмин қатори бизга-ям тинчлик, хотиржамлик ато этсин, омин, Оллоху акбар! – Кампир юзига фотиҳа тортиб, аёлга юзланди: – Исминг нима, қизим? Сўрамабманам.

– Марям... – деб секин жавоб қилди аёл.

– Косаларни олгин, Марямжон, – деб кампир эшик томон йўналди. – Бўпти, яхши ётиб тур, болам.

Улар чиқиб кетишди.

* * *

Эгамқул ёлғиз қолди.

У хонани эндигина кўздан кечиришга киришди. Столда болаларнинг китоблари тахланиб турибди. Биттасини олиб, беҳафсалалик билан варақлади. Негадир, чап кўкрагиниғижимлаб қўйди... Девордаги суратга тикилиб қолди. Унда хотини Мастура ва болалари билан бирга кулиб турибди.



Суратдан кўз узиб, дераза ёнига келди ва қоронғиликка тикилиб қолди. Дераза ойнасидаги ўз аксига қараб маъюс хўрсиниб қўйди. Шу пайт унинг ич-ичидан хиргойи қуйилиб кела бошлади. Оғзи қимирламаса ҳам, биз уни эшитамиз:

Қоронғидир тун, олам қоронғу,
На бир чироқ ва на бир ёғду.
Ёстиғим – тош, насибам – оғу,
Шошил, қуёш, нурларингни санч!

Дунё тўнин кийди тескари,
Чаппа тўнда юрар аксари.
Юрак муздай, совуқ кун сари,
Шошил, қуёш, нурларингни санч!

Шу пайт эшикда Марям пайдо бўлди ва ўз лаҳжасида Эгамқулнинг ички қўшиғини давом эттирди:

Зулмат билан ёғду қоришар,
Ёмон билан яхши олишар.
Кўзимга боқ – дунё ёришар,
Майли, қуёш, нурларингни соч!

Эгамқул аёлга ажабланиб қаради:

– Ҳа? Нимага келдинг?

– Жойингезни солай дедим, – деб Марям ўрин сола бошлади.

Эгамқул хонтахтадаги кампир ташлаб кетган пулни стол тортмасига солиб қўйди.

– Агар ўғирлайдиган бўлсанг, пул мана шу ерда, – деди у тортмани ёпа туриб.

Марям унга таъна аралаш кулумсираб қаради. Тугунини олиб бориб шкафга қўйди.

– Агар ўғирлайдиган бўлсангез, тугун мана шу ерга, – деди Марям ҳам ўша оҳангда.

– Тугунингни бошимга ураманми. Ичида жа нима бор, тиллами?

– Бир-иккита лозим, яна бошқа ич кийимлар... – деди Марям елка қисиб.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4392> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4392> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4392>